O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

Ислом КАРИМОВ:

Бу диёр, бу бетакрор юрт барчамизники, Ватанимизнинг мавқеи ва обрўйини дунёда муносиб даражага кўтариш ҳаммамизнинг муқаддас бурчимиз.

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2007-yil • 7-iyun • Payshanba • 67 (27.712) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan



ҚЎНҒИРОТ СОДА ЗАВОДИ — МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ЯГОНА КОРХОНА

У МАМЛАКАТИМИЗ ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТИДА САЛМОҚЛИ ЎРИН ТУТАДИ

Қорақалпоқлар доим умид билан яшайдиган халқ. Оллоҳдан сув бўлмаса — ёмғир тилайди, ёмғир бўлмаса — сув сўрайди... Осмондан излаганини ердан топади. Қандай муаммо бўлмасин чорасини излайди, мақсадига етади. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов ҳар гал Қорақалпоғистонга ташриф қилганида қорақалпоқликларнинг бу меҳнатсеварлигини алоҳида эътироф этади. Давлатимиз раҳбари яқинда Устюрт минтақасига сафари чоғида йўл-йўлакай Хўжайли ва Қонликўл туманлари деҳқонлари билан суҳбатлашди. Хусусан, Қўнғирот сода заводининг ишга туширилиши муносабати билан унинг ишлаб чиқариш жараёнларини кўздан кечирди. Қорақалпоқ халқи ҳаётидаги янгиликлар, ўзгаришлар билан танишди.

Қўнғирот сода заводи нафақат Қорақалпоғистон кимё саноатининг қалдирғочи, балки Ўзбекистонда, қолаверса, Марказий Осиёда кальцийлаштирилган сода ишлаб чиқарувчи ягона йирик корхона ҳисобланади. Бу ерда келгусида йилига тайёрланадиган 100 минг тонна маҳсулот мамлакатимиз ички эҳтиёжини қондирибгина қолмасдан, четга ҳам экспорт қилинади.

2-бет



ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 6 июнь куни Оқсаройда Кувайт Давлати Бош вазирининг ўринбосари, ташқи ишлар вазири Шайх Муҳаммад Сабоҳ ас-Солим ас-Сабоҳни қабул қилди.

— Биз сизни нафақат Кувайт Бош вазирининг ўринбосари, балки етук давлат арбоби, мамлакат иқтисодий тараққиётига муносиб ҳисса қўшган иқтисодчи олим сифатида ҳам яхши биламиз, — деди давлатимиз раҳбари. — Кувайт нафақат ўз минтақасида, балки дунё миқёсида ҳам катта салоҳиятга эга, жадал ривожланаётган давлатдир.

Кувайт Давлати Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини биринчилар қаторида, 1991 йилнинг декабрида тан олган. Ўзбекистон — Кувайт муносабатларини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш ва мазмунини бойитишда Президент Ислом Каримовнинг 2004 йил январь ойида Кувайтга расмий ташрифи муҳим омил бўлди. Ташриф асносида икки томонлама алоқаларнинг ҳуқуқий асоси мустаҳкамланди. Хусусан, савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик, сармояларни ўзаро ҳимоялаш ва рағбатлантириш, икки томонлама солиққа тортишнинг олдини олиш, ҳаво қатнови бўйича, шунингдек, терроризм ва уюшган жиноятчиликка қарши курашга оид ҳужжатлар имзоланди.

Айни пайтда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Кувайт араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси ўртасида, шунингдек, икки мамлакат савдо-саноат палаталари ўртасида яқин ҳамкорлик ўрнатилган. Мазкур жамғарма билан 1997 йилда Нукус ва Урганч шаҳарларини сув билан таъминлаш лойиҳаси учун 19,8 миллион АҚШ доллари ажратиш тўғрисида кредит шартномаси имзоланган. 2005 йилда Тўқимачи—Ангрен темир йўл қисмини электрлаштириш лойиҳасини молиялаштиришга қаратилган 20 миллион долларлик, 2006 йилда эса юздан зиёд туман тез тиббий ёрдам марказини қайта тиклаш ва жиҳозлаш лойиҳаси учун 20,75 миллион долларлик ҳужжатлар қабул қилинди. Умуман, жамғарма ажратган кредитларнинг умумий ҳажми 60 миллион АҚШ долларидан ошади.

Ўтган йили Кувайтда икки мамлакат савдо-саноат палаталари вакилларининг музокаралари бўлиб ўтди. Унда савдо ва сармоя, хусусийлаштириш, иқтисодиётнинг ўзаро манфаатли соҳаларида ҳамкорликни кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Икки томонлама муносабатларда парламентлараро алоқалар алоҳида ўрин тутади. 2002 ва 2005 йиллари Кувайт парламент делегациялари Ўзбекистонда бўлди.

2006 йилнинг май ойида ал-Кувайт шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди» асарининг араб тилидаги нашри тақдимоти ўтказилди. Бу воқеа ҳам халқларимизнинг маънавий яқинлигидан яна бир далолатдир.

Гуманитар ҳамкорлик соҳасида Кувайт Вақф ва ислом ишлари вазирлиги делегациясининг Ўзбекистонга ташрифини таъкидлаш жоиз. Кувайт Давлати Имом ал-Бухорий мажмуини жиҳозлаш ишларида ҳам фаол қатнашган.

Шайх Муҳаммад Сабоҳ ас-Солим ас-Сабоҳ Кувайт Ўзбекистон билан муносабатларни ривожлантиришдан манфаатдор эканлигини таъкидлади, самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдирди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон Республикаси билан Кувайт Давлати ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларининг қамровини янада кенгайтириш, бу борада мавжуд имкониятлардан тўлароқ фойдаланиш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА)

Анжело Персиани:

«Италия Ўзбекистоннинг иқтисодий тараққиёт, демократия жараёнларини ривожлантириш йўлидаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлайди»

Италиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси пойтахтдаги «Интерконтинентал» меҳмонхонасида мазкур мамлакат миллий байрами — Республика эълон қилинган кунга бағишлаб тантанали маросим ўтказди. Италия Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Анжело Персианининг чиқиши тадбир иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотдики, унда элчи Италия ва Европа Иттифоқининг Ўзбекистон Республикаси билан муносабатлари ривожланишининг айрим жиҳатларига тўхталди.

Жумладан, италиялик дипломатнинг қайд этишича, Италия Ўзбекистоннинг иқтисодий тараққиёт, демократия жараёнларини ривожлантириш, хавфсизликни таъминлаш, гиёҳванд моддалар савдосига қарши биргаликда кураш йўлидаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлайди. «Биз ўлим жазосига нисбатан амалда бўлган де-факто мораторийсини ҳамда келгуси йилнинг бошидан ўлим жазосининг тўла бекор этилишини қутлаймиз, деди у. Биз келгуси йилда «Habeas Corpus» институти (ҳибсга олишга санкция бериш ҳуқуқини прокуратура идораларидан судларга ўтказиш) жорий этилишини табриклаймиз».

Шу ўринда Италия элчиси Ўзбекистон билан икки томонлама алоқаларнинг ҳозирги ҳолатига юқори баҳо берди ҳамда уларнинг янада ривож топишига тилак билдирди.

«Ўзбекистон ва Италия иқтисодиёти рақобат қилмайди, аксинча бир-бирини тўлдиради. Биз ҳамиша турли даражалардаги — маданий жабҳадан тортиб то сайёҳлик соҳасигача бўлган алоқаларни кенгайтиришни хоҳлаганмиз.

2-бет

ЯНГИ СПОРТ МАЖМУИ

Хоразм вилоятининг Питнак шаҳрида болалар учун замонавий спорт мажмуи фойдаланишга топширилди.

«Туямўйинсувқурилиш» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти бунёдкорлари ушбу объектда 158 миллион сўмликдан зиёд қурилиш-монтаж ишларини бажарди.

Халқаро андозаларга мос ёпиқ сув ҳавзаси ҳамда баскетбол, волейбол, бадиий гимнастика залларини ўз ичига олган ушбу мажмуа зарур жиҳозлар ва спорт анжомлари билан тўлиқ таъминланди. Бу ерда кичкинтойлар учун ҳам махсус сув ҳавзаси мавжуд.

Ш.ХУДОЙБЕРГАНОВ, ЎзА мухбири

ЎзХДП: электорат манфаати

ЁШ ОИЛА

УНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИНГ ЯНА БИР ҲУҚУҚИЙ АСОСИ ЯРАТИЛДИ

Мамлакатимизда ислоҳотлар чуқурлашиб, иқтисодий салоҳият юксалиб борган сари аҳолини ижтимоий муҳофазалаш масалаларига ҳам тобора кўпроқ эътибор қаратилаяпти. Биргина 2007 йил «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилиниб, бу борада ишлаб чиқилган Давлат дастурида белгиланган тадбирлар кўлами, амалга оширилаётган ишлар фикримизнинг ёрқин далилидир. Юртбошимизнинг шу йил 18 майда имзоланган «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони жамиятнинг нозик ниҳоллари бўлган ёш оилаларни асраш, мустаҳкамлашда бебаҳо ғамхўрлик бўлди. Бу воқеа нафақат ёш оилаларни, балки уларнинг ота-оналари, яқинлари, бутун жамоатчиликни беҳад қувонтирди.

2-бет

ЧОРТОҚДА

ХУСУСИЙ ШИФОХОНА

Туман марказида барча қулайликларга эга замонавий хусусий шифо маскани иш бошлади. Собиқ тикувчилик фабрикасининг маъмурий биносини қайта жиҳозлаш йўли билан фаолият бошлаган «Саховат Шифо Мед» МЧЖ таъсисчиларининг ташкилий ҳаракати ибратли кечди. 185 миллион сўмлик таъмирлаш ишлари жуда қисқа муддатда амалга оширилди. 20 минг долларлик хориж тиббий ускуналари ва 15 миллион сўмлик зарур жиҳозлар сотиб олинди. Яна бир муҳим жиҳати шундаки, шифохонанинг фаолият бошлаши билан 30 нафар тиббиёт ходими учун янги иш ўрни яратилди.

Бу ерда бир йўла 50 нафар беморнинг ётиб даволаниши учун барча шарт-шароит яратилган. Беморлар кимёвий дорилар билан эмас, асосан табиий ва физиотерапевтик усуллар ёрдамида муолажа қилинади.

Бундай даволаниш усулларининг афзаллигини шифохона бош шифокори Тоҳиржон Мўминов яқинда Хитойда бўлиб, Урумчи ва Пекиндаги тиббий муассасаларда фаолият юритаётган ҳамкасбларидан ўрганиб қайтганди. Айни пайтда бош шифокор ва таъсисчилар янги рентген ускунаси келтириш ҳаракатида. Шифохонада ички касалликлар ҳамда асаб ва урологик хасталикка чалинган беморлар даволанади.

Носир АББОС

ЎзХДП ТАШКИЛОТЛАРИ ВА БАРЧА ГАЗЕТХОНЛАР ДИҚҚАТИГА!

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталарига 2007 йилнинг иккинчи ярим йиллигига обуна давом этмоқда. Обуна «Ўзбекистон почтаси» АЖ ва «Матбуот тарқатувчи» АКнинг барча бўлимларида қабул қилинмоқда.

Газеталаримиз йилнинг охиригача ўз «оёғи» билан уйингизга, ишхонангизга кириб боришини хоҳласангиз обуна бўлишни унутманг.

Шошилинг, вақт оз қолди, йилнинг иккинчи ярим йиллиги учун обуна 20 июнга қадар қабул қилинади.

«Пилла — 2007»

ПИЛЛАКОРЛАР ЗАФАРИ

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ (ЎзА мухбири Л.Сувонов). Вилоят пиллакорлари давлат қабул пунктларига бир минг 290 тоннадан ортиқ сифатли хомашё топшириб, шартнома мажбуриятини бажардилар. Бу ўтган йилгига қарагандa 25,2 тонна кўп демакдир.

Президентимизнинг 2006 йил 15 ноябрда қабул қилинган «Республика пиллачилик тармоғини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ, вилоятда пиллачи звеноларга барча шарт-шароит яратиб берилди. Қурт уруғи тарқатиш олдидан фермер ва ёрдамчи хўжаликлар билан шартнома тузилди, уларга ўз вақтида зарур жиҳозлар, асбоб-ускуналар етказилди.

Вилоят «Пилла» акциядорлик бирлашмасидан олинган маълумотга кўра, жорий йилда вилоятда 20 минг 401 оилавий звено 27 минг 173 қути ипак қурти уруғини парваришлади. Қуйичирчиқ, Ўртачирчиқ, Оққўрғон, Бўка ва Бекобод туманлари пиллакорлари ҳар қути қурт уруғидан 75-85 килограммдан ошириб ҳосил олдилар.

Вилоятда пилла терими давом этмоқда.



Суратда: *Бекобод тумани пиллакорлари Абдуманнон Абдуаҳадов ва Мирзараҳим Ҳокировлар.*

Еркебой БОТИРОВ олган сурат

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ЁШ ОИЛА

УНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИНГ ЯНА БИР ҲУҚУҚИЙ АСОСИ ЯРАТИЛДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Кеча Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашида «Фаол аёллар» ва «Истиқбол» ёшлар қаноти ташаббуси билан ўтказилган давра суҳбати ана шу муҳим ҳужжат мазмун-моҳиятини чуқур ўрганиш, жойларда кенг тарғиб қилиш, ёш оилалар имтиёзлардан самарали фойдаланишини ташкил этишга кўмаклашиш масалаларига бағишланди. «Ёш оилаларга ғамхўрлик — келажак пойдевори» деб номланган ушбу анжуманда Ўзбекистон ХДП «Фаол аёллар», «Истиқбол» ёшлар қанотлари етакчилари, БПТ раислари, депутатлар, жамоат ташкилотлари, ёш оилалар вакиллари иштирок этдилар.

ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Гулруҳ Аъзамова давра суҳбатини кириш сўзи билан очар экан, мазкур фармон ва у берган имтиёзлар ёш оилалар ҳаётида нақадар муҳим ўрин тутишини алоҳида таъкидлади.

— Халқимизда оила жуда муқаддас саналади, — деди у. — Президент Фармони билан берилаётган имтиёзлар, яратилаётган шарт-шароитлар эса жамиятнинг негизи бўлган оиланинг мустаҳкамлиги, фаровонлигини таъминлашга хизмат қилади. ЎзХДП учун аҳамиятли томони шундаки, электоратимиз манфаатларини ҳимоя қилишнинг яна бир ҳуқуқий асоси юзага келди. Шунинг учун ёш оилалар кўп бўлган маҳаллалар ва қишлоқларда партия кенгашлари ҳузуридаги Жамоатчилик қабулхоналарининг бўлинмаларини ташкил этиш, ёшлардан тушадиган мурожаат, илтимосларни диққат билан ўрганиб, муаммоларнинг ечимини топишга кўмаклашиш, ёш оилаларга имтиёзли шартлар асосида бериладиган ипотека, истеъмол кредитлари, микрокредитлардан фойдаланиш тартиб-қоидалари тўғрисида ҳуқуқий маслаҳатлар берилишини ташкил этиш зарур.

Республика «Оила» илмий-амалий маркази бўлим бошлиғи Даврон Холиқов ёш оилаларнинг ижтимоий ҳамда маънавий камол топиши учун яратилаётган шарт-шароитлар, уларни маънавий қўллаб-қувватлаш борасидаги «Оила» илмий-амалий маркази билан ХДП ташкилотлари ҳамкорлиги ҳақида тўхталди. Шунингдек, ёшларга ота-она, кекса авлод вакилларига эҳтиром, халқимиз урф-одатлари, қадриятларига ҳурмат руҳини шакллантириш, ўз оиласидан ғурурланиш ҳиссини кучайтиришда ушбу фармон муҳим йўналишларни белгилаб берганлигини таъкидлади.

Республикамизнинг ҳар бир ҳудудида янги иш ўринлари очиш, ёш оилаларга ўз ишини ташкил этиш учун микрокредитлар ажратиш оила фаровонлигини таъминлашга хизмат қилади. Ипотека ва истеъмол кредитлари ажратиш йўли билан уй-жой сотиб олиш ёки қуриш, уй-хўжалигини йўлга қўйишда ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш энди оёққа туриб олаётган ёш оилалар учун бир қанча қулайликлар яратади албатта. Бунда республикамизда фаолият юритаётган банкларнинг ўз ўрни бор. Мазкур масалалар ҳақида «Ипотека» банк Ипотека ва истеъмол кредитлари бошқармаси бошлиғи ўринбосари Адҳам Тожихўжаев маъруза қилди.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари орқали кам таъминланган оилалар фарзандлари бўлган ёшлар, шу жумладан никоҳдан ўтиш ва тўй маросимларини ўтказадиган ёш оилалар истеъмол кредитларини олишда уларга маслаҳатлар, амалий ёрдам беришда жамоат ташкилотлари, маҳалла маслаҳатчиларининг ҳам ўз ўрни бўлиши лозим. Бу ҳақда Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси масъул ходими Ҳанифа Зокирова ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Алия Юнусова, «Камолот» ЁИҲ Марказий кенгаши масъул ходими Нуриддин Маматов ва бошқалар ҳам сўзга чиқиб фикрларини билдирдилар.

Давра суҳбати иштирокчиларини имтиёзлардан фойдаланиш тартиб-тамойиллари, истеъмол, ипотека кредитлари ажратилишидаги шартлар ва бошқа кўплаб саволлар қизиқтирди. Уларга мутахассислар томонидан батафсил жавоблар қайтарилди.

Анжуман якунида Ўзбекистон ХДП ташкилотлари, Хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ЁИҲ ҳамкорликда мазкур йўналишда олиб бориши керак бўлган тадбирлар юзасидан тавсиялар ишлаб чиқди.

(Ўз мухбиримиз)

ЎзХДП депутатлик гуруҳлари фаолиятидан

ОДАМЛАР ҚУВОНЧУ ТАШВИШИ

БИЛАН ЯШАШ ПАРТИЯМИЗДАН САЙЛАНГАН ҲАР БИР ДЕПУТАТНИНГ ҲАЁТ МАЗМУНИГА АЙЛАНМОҒИ КЕРАК, ДЕЙИШМОҚДА ДЕНОВЛИК ФАОЛЛАР

Қайсики, сиёсий партия ўз дастури, сайловолди платформасида илгари сурган эзгу мақсадларни ҳаётда амалга ошира олмаса, унинг халқ олдидаги обрўси, мавқеи мустаҳкамланмайди. Хўш, сиёсий куч ғояларини ҳаётга жорий этишнинг механизмлари қандай? Шубҳасиз, бунда жойларда маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳларининг фаолиятига кўп нарса боғлиқ. Айтиш мумкинки, партиянинг нуфузини оширишда ана шу гуруҳларнинг иш самарадорлиги муҳим ўрин тутади.

Халқ депутатлари Денов туман Кенгашининг 30 нафар депутатидан 16 нафарини ЎзХДПдан сайланганлар ташкил этади. Таъкидлаш жоиз, ўтган икки ярим йил давомида фаол гуруҳ шакллaниб, партия дастурий мақсадларини амалга оширишга хизмат қилаяпти. Туманнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва аҳолининг, айниқса кам таъминланган қатламнинг ҳимояси йўлида мазкур депутатлик гуруҳи кўплаб ижобий ишларни амалга оширди. Саъй-ҳаракатлар эса яна давом этаяпти.

Туман Кенгашидаги бешта доимий комиссиянинг тўрттасида партиямиздан сайланган депутатлар вакиллари раислик қилади. Шунинг ўзи ҳам ЎзХДП депутатлик гуруҳининг масъулияти нақадар катта эканлигидан далолат беради. Бундан фойдаланиб, туман партия кенгаши ижроия қўмитаси ва кенгаш фаоллари билан маслаҳатлашилган ҳолда туман Кенгаши сессияларига долзарб масалаларни олиб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Қарорлар қабул қилинаётганда депутатлик гуруҳи доимий равишда ўзининг нуқтаи назарини билдиради. Маҳаллий дастурларни ишлаб чиқиш ва улар ижросини таъминлаш, янги иш ўринлари яратиш, мактаб, мактабгача таълим, соғлиқни сақлаш муассасалари ҳамда бошқа ижтимоий объектлар, уларда меҳнат қилаётган ишчи-ходимларни ҳар томонлама муҳофаза қилиш, қўллаб-қувватлаш масалалари ҳар доим депутатлар диққат марказида.

Ўтган қисқа вақт ичида депутатлик гуруҳи аъзолари томонидан маҳаллий Кенгаш сессиясига ҳудуддаги мавжуд бозорлар фаолиятидаги айрим муаммолар ва транспорт воситалари ҳаракатини тартибга келтириш, йўловчилар хавфсизлигини таъминлаш, енгил автоуловлар учун тўхташ жойи ташкил этиш, чиқиндиларни фақат белгиланган жойларгагина тўкишни йўлга қўйиш юзасидан депутатлик сўровлари киритилди. Унга асосан, депутатлар ва мутасадди идоралар раҳбарларидан иборат махсус комиссия тузилди. Партиямиз депутатларининг бу саъй-ҳаракати ўз самарасини берди. Натижада бозор ва дўконларда савдога чиқарилган кундалик эҳтиёж моллларининг баҳоси бироз арзонлашди. Серқатнов йўлларда ҳаракат хавфсизлиги яхшиланди. Ноқонуний фаолият юритаётган тадбиркорлар фаолиятига чек қўйилмоқда. Шунингдек, марказий кўчалар ва бозорлар атрофида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари ўз жойига тушди. Кўп йиллардан буён бозорлардаги аҳвол аҳолини қийнаб келарди. Энди шу сингари муаммолар ўз ечимини депутатлар кўмагида топмоқда.

Денов туманида ХДП депутатлар гуруҳи ўз навбатида кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг йигирмага яқин фарзанди хатна тўйларини ўтказиш, уч нафар ногироннинг махсус аравача билан таъминланишида бевосита ташаббус кўрсатди. Ёлғиз, ўзгалар кўмагига муҳтож олти нафар фуқарога ҳомийлик ёрдами берилишини ташкил қилди.

— Мафкуравий масалаларга чуқур ёндашиш билан бир қаторда, ҳудудий муаммоларни бартараф этиш юзасидан ҳам ўз таклифларимизни Халқ депутатлари туман Кенгаши сессиялари кун тартибига киритишга эътибор қаратмоқдамиз, — дейди депутатлик гуруҳи раиси Жаббор Олтибоев. — Навбатдаги сессияларга Денов шаҳри ҳудудидаги Ойбек ва Ибн Сино маҳаллаларини туташтирувчи кўприкнинг қайта қурилиши масаласини ўртага ташлашни мақсад қилганмиз. Агар бу хайрли иш амалга ошса, шаҳар аҳолисининг мушкули осонлашади, марказий кўчалардаги тирбандликнинг олди олинади.

Депутатлар туман партия кенгашининг Жамоатчилик қабулхонаси фаолиятига ҳам алоҳида эътибор бериб келмоқда. Мурожаат қилганларнинг аксариятига амалий ёрдам кўрсатилаяпти. Ўтган йили юздан ортиқ киши турли масалалар билан мурожаат қилган бўлса, жорий йилнинг ўтган даврида қарийб қирқ нафар фуқаро қабул қилинди. Муаммолар атрофлича ўрганилиб, ўз вақтида бартараф этилмоқда. Жорий йилда мурожаат қилганлардан 28 кишининг мушкули осонлашди.

— Элимиз фаровонлиги Халқ демократик партияси сиёсатининг бош мақсадидир, — дейди ЎзХДП Денов туман кенгаши раиси Абдуолим Бўриев. — Бу борада туман партия кенгаши депутатлик гуруҳи билан ҳамкорликда иш юритиб келаяпти. Келгусида ҳам мамлакатимиз мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, халқимиз фаровонлигини ошириш йўлида жон қуйдириб меҳнат қилишимиз керак. Бу йўлда хизмат қилаётган партиямизнинг депутатлари, фаоллари ва хайриҳоҳлари эл-юрт ташвиши-ғамида яшаши керак.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири

Анжело Персиани:

«Италия Ўзбекистоннинг иқтисодий тараққиёт, демократия жараёнларини ривожлантириш йўлидаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлайди»

(Давоми. Боши 1-бетда)

Биз бир неча маротаба муносабатларимиз ўсиши салоҳиятига мурожаат этдик — бу салоҳиятга йўл беришнинг вақти етиб келди.

Икки томонлама даражадаги табиий қизиқишдан ташқари Италия ҳақиқатан ҳам Марказий Осиё билан алоқалар мустаҳкамланаётган ҳозирги босқичда Европа Иттифоқини ҳамда жорий йил июнь ойига мўлжалланган минтақанинг беш давлати билан ҳамкорлик борасидаги Европанинг янги концепцияси ишлаб чиқилишини қўллаб-қувватлайди. Шу билан бирга ЕИ бу минтақага, илгари сира бўлмаганидек, Ўзбекистонга, минтақанинг марказий давлатига умумий келажакни қуриш учун асосий соҳалардаги ўсиб бораётган ҳамкорликка афзаллик таклиф этмоқда. Италия бунга тўла қўшиладики, ташқи ишлар вазирининг ўринбосари, сенатор Джанни Вернеттининг яқинда Тошкентга амалга оширган ташрифи бундан далолатдир», дея қайд этди А.Персиани.

Сўнгра у ўз фикрида давом этди: «Биз ҳамкорлик мушкул эканини биламиз, чунки турли маданиятларни тушуниш қийин ва ўзгаларнинг қадриятларини нотўғри талқин қилиш осон. Ҳар биримиз учун ҳозир ўз эътиқодимизнинг кучи ва ҳаққонийлигига тўла ишонишимиз нақадар осон. Ҳа, бошқа халқларнинг тарихи, маданияти ва анъаналари тўғрисида юзаки фикр юритиш енгилдир. Бизнинг вазифамиз, ишимиз ва миссиямиз эса аксинча — бошқа маданиятлар тажрибасини ҳисобга олган ҳолда ўзимизда тўла тушунишни ривожлантиришдир, токи маданиятлар фарқларининг хилма-хиллигини муносиб баҳолайлик».

«Бу дўст мамлакатда (Ўзбекистонда) 4 йил бўлганимдан сўнг ҳар қачонгидан ҳам ишончим комилдирки, бу ердан, яъни нафақат юк карвонлари, балки ихтиролар, ғоялар, қадриятлар, динлар ва цивилизациялар кесишган Буюк ипак йўли марказидан яхши жой дунёда йўқдир». Дипломатнинг фикрича, бу ерда тарих кўплаб миллатларни учраштирганки, улар бир-бири билан иноқликда яшашмоқда. «Айнан шу ерда биз том маънода бир-биримизни тушунмоғимиз, бошқа қадриятларга нисбатан бағрикенг бўлмоғимиз, бошқа маданиятга ҳурмат билан қарамоғимиз, бирга саъй-ҳаракат қилмоғимиз ва сиёсий эркинлик, демократик ривожланиш, иқтисодий ўсиш борасидаги биргаликдаги тараққиётга эришиш учун ўзаро ҳамкорлик қилмоғимиз лозимдир.

Бундай мақсадлар, хусусан, Европа мамлакатлари узоқ давом этган тажриба ва хатолар жараёнларидан сўнг эришган сиёсий эркинлик ҳамда демократия тараққиёти Ўзбекистон конституциясида ҳам муҳрлаб қўйилган. Бу тамойиллар бизнинг келажакка йўналган умумий йўлимизни белгилаб беради».

Элчи А.Персиани ўз чиқиши интиҳосида «Ўзбекистонга ёрқин келажак, Италия ва Европа билан биргаликда тараққий этишни ҳамда мамлакатимизнинг жаҳон саҳнасидаги обрў-эътибори доимо ўсиб боришини ҳамда ўз цивилизацияси тарихида келажак сари янги қадамлар ташлашини» тилади.

«Жаҳон» АА

ҚЎНҒИРОТ СОДА ЗАВОДИ — МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ЯГОНА КОРХОНА

У МАМЛАКАТИМИЗ ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТИДА САЛМОҚЛИ ЎРИН ТУТАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мустақилликнинг шарофати ва қудратини қарангки, илгари қип-қизил дашт бўлиб ётган чўлу биёбонда бугун ҳаёт қайнаяпти. Туман марказидан 40-45 километр олисда, Устюрт кенгликларида Қўнғирот сода заводи бунёд бўлди. Унинг тикланишида турли миллат вакиллари бир ота-она ўғил-қизларидек меҳнат қилдилар. Ниҳоят, қурилиш муваффақиятли якунланиб, фойдаланишга топширилди ва дастлабки маҳсулот бера бошлади. Хорижий мамлакатлар мутахассислари, жумладан, Мустақил Ҳамдўстлик Давлатлари мутасаддилари ҳамда дунёнинг катта-катта корхоналари раҳбарлари иштирокида завод маҳсулоти сифати таҳлил қилинганда ишлаб чиқарилган кальцийлаштирилган техник сода сифати давлат стандартларига тўла жавоб бериб, олий навга баҳоланди. У асосан шиша ишлаб чиқариш, кир ювиш кукунлари тайёрлаш, рангли металлургия, енгил саноат, кимё тармоқлари, сув тозалаш иншоотларида базавий кимё маҳсулотлари сифатида фойдаланилади.

Заводнинг технологик бўлимини қуришда Хитойнинг «Ситик» компанияси шериклик қилди. Шериклик контракти баҳоси 32,3 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Муҳими, сода ишлаб чиқаришга ишлатиладиган хомашёлар шу ернинг ўзидан топилди. Масалан, маҳаллий хомашё — оҳактош унча узоқ бўлмаган «Жаман сай»дан, ош тузи «Борса келмас»дан олиб келинадиган бўлди. Цехлардаги барча жараёнлар халқаро кўламдаги «Хонивелл» ва «Сименс» фирмалари тизимларидан фойдаланиш орқали компьютерлар ёрдамида бошқарилиши йўлга қўйилди.

Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига тайёргарлик ишлари қизғин тус олган шу кунларда заводнинг 20 га яқин цехларида 1350 нафардан кўпроқ мухандис-техниклар, ишчилар фидокорона меҳнат қилишаяпти. Жумладан, бикарбонат, оҳактош, туз эритиш ва эритмасини тозалаш, калцийлаш, компрессия цехларида ишлар ҳар қачонгидан авжида. Лойиҳа конструкторлик бўлими бошлиғи Идирис Қўўанышбаев, бикарбонат цехи бошлиғи Ахмед Бегдуллаев, завод диспетчери Шуҳрат Султанмуратов, оҳак тош қуйдириш цехи энергетиги Мерос Женалиев, корхона марказий лабораториясининг 1-категорияли мухандиси Фотима Ерекеева, бикарбонат цехи технологик ускуналарини таъмирлаш устаси ва шу цехнинг назорат ўлчов асбоблари ҳамда автоматлаштириш жараёнлари пайвандчиси Жамалиддин Алланбоев, сув тайёрлаш цехи тармоқларига хизмат кўрсатувчи мутахассис Қўўанышбай Ишанов каби ўнлаб ишчи-хизматчилар, айниқса фаоллик кўрсатмоқдалар.

Юртбошимиз бу ерда бўлганларида заводнинг иш жараёнлари билан бирга, жамоа аҳлининг турмуш шароитлари билан ҳам қизиқди. Раҳбарлар, муҳандис-техник ходимлар қатори оддий меҳнат кишилари билан ҳам суҳбатлашди. Жумладан, корхона техника назорати бўлими бошлиғи Света Оспанова давлатимиз раҳбари билан эркин гурунг қилиб, деди:

— Сизнинг ташаббусингиз билан, Ислом Абдуғаниевич, чўл қўйнида шундай улкан корхона қурилиб қолди. Бу ерда ҳозир асосан ёшлар ишлаяпти. Яхши ишлашимиз учун барча қулайлик муҳайё. Ёшлар номидан тилагим, Сиз ҳамиша бахтимизга омон бўлинг... Сизнинг ёрдамингизда завод қошида 2005 йилда Тошкент лойиҳа дастури шу йилнинг биринчи сентябригача тугалланиб, кейинчалик Нукус шаҳригача тезкор ҳаракатдаги йўлга айланиши кераклигини уқтирди. Табиийки, шунда завод посёлкаси алоқаси йирик шаҳарлар билан янада яқинлашди. Энг муҳими, аҳоли катта қулайликларга эга бўлади. Йўл атрофида инфратузилма объектлари қурилади, ривожланади...

Раҳбаримиз диққат-эътиборини заводнинг бош муҳандиси, қорақалпоқ йигити Абат Рамбергенов жалб этди. Абат Қўнғиротда туғилиб, ўрта мактабни тамомлагач, Россиянинг Пенза шаҳридаги политехника институтида «Химиявий ишлаб чиқаришда машина ва аппарат қурилиши» факультетини муваффақиятли тамомлади ва шу институтда ишлай бошлади. «Қўнғиротда сода заводи қурилади» деган хабарни эшитиб, она шаҳрига қайтди. Дастлаб завод қурилишига ишга киради. Меҳнатсеварлиги, изланувчанлиги билан кўзга ташланади. Тез орада бош муҳандис даражасига кўтарилади. Энди-гина қирқ ёшга кираётган Абат Кенесбаевич эндиликда кўплаб ёшларга устоз ҳам...

— Юртбошимиз Устюртнинг энг совуқ кунларида ҳам завод бир маромда ишлашини таъминлаш учун асосий хомашёлар — оҳак тош ва туз омборларини кенгайтиришни, улар заҳирасини бир ҳафталик эмас, балки 4 ҳафталик миқдорга етказишни маслаҳат берди, — дейди у биз билан суҳбатда. — Шу кунларда барча имкониятлардан фойдаланиб, сода ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш устида иш олиб бораяпмиз...

* * *

Яқинда корхонада давлатимиз мустақиллигининг 16 йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш тўғрисида катта йиғилиш бўлиб, унда Президентимизнинг бу борадаги қарори атрофлича ўрганиб чиқилди. Байрамни қарорда айтилганидек, **«Бу байрам — барчамизники, бутун халқимизники»** деган эзгу ғоя остида нишонлаш тадбирлари белгиланди. Зеро, мустақиллик бўлмаганида Устюрт кенгликларида Марказий Осиёда ягона ҳисобланаётган Қўнғирот сода заводидек маҳобатли ва салоҳиятли корхона ҳам қайда эди, дейсиз?!

Йиғилишда байрам шарафига корхона ишлаб чиқариш қувватини юз фоизга етказиш (яъни, йилига 100 минг тонна кальцийлаштирилган сода тайёрлаш), шу йилнинг ўзидаёқ уни 58900 тонналик ҳажмга олиб чиқиш, печ газининг концентрациясини оширувчи қурилма — PSA тизими технологиясига Хитойнинг «СИТИК» компанияси томонидан киритилиши мўлжалланган ўзгартиришларни тезкор ўзлаштириш тадбирлари ҳам белгиланди.

Реймбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири

РАҚАМЛАР ҲИКОЯ ҚИЛАДИ: ўтган йилнинг август ойидан 31 декабригача 12,8 минг тонна сода ишлаб чиқарилган бўлса, бу кўрсаткич шу йилнинг 20 майига қадар 18,2 минг тоннани ташкил этди. Тахминий ҳисоб-китобларга кўра, жорий йилда 80 минг тонна маҳсулот тайёрланади. Бу — ҳали завод қувватининг 80 фоизи, холос...

Корхонада маҳсулот сотишнинг умумий ҳажми 25 миллиард сўмга етади. Бу — эндиликда 20 миллион долларлик шу турдаги маҳсулот четдан келтирилмайди дегани. Имзоланган шартномаларга кўра, Республика бўйича кальцийлаштирилган содага эҳтиёж 65 минг тоннага тўғри келади. «Кварц» акциядорлик жамияти, «Фарм-гласс», «Ғазалкент-ойна» қўшма корхоналари, ёғ-мой, кимё, металлургия корхоналари бугунги кунда асосий истеъмолчилар бўлиб турибди. Маҳсулот юз фоиз биржа орқали сотилмоқда. Сифати илгари четдан келтирилган содадан анча юқори. Ҳозиргача 9,025 миллиард сўмлик сода сотилди. Тушган маблағнинг 2 миллиард сўми кредитларни қайтаришга йўналтирилди. Олинган соф фойданинг салмоқлигина қисми «Ижтимоий ҳимоя йили» давлат дастуридан келиб чиққан ҳолда белгиланган йўналишларга йўналтирилди. Жумладан, 2007 йил 1 май ҳолатига кўра, болалар спортини ривожлантириш тадбири учун «Болалар спорти» жамғармасига 30 миллион сўм, сода заводи ҳомийлигидаги Элобод шаҳарчасидаги 52-умумтаълим мактаби синфхоналарини компьютерлаштириш учун 800 минг сўм, кам даромадли ва ёрдамга муҳтож оилаларга 2 миллион сўм ёрдам пули берилди.



Кимё технология институтининг махсус сиртқи бўлими очилди. Институт бўлими замонавий асбоб-ускуналар, ўқув қуроллари билан жиҳозланди. Ўтган ўқув йили 12 нафар йигит-қиз ўқишни тамомлаган бўлса, бу йил уларнинг сони 65 нафарга етиб, дипломли мухандис бўлиб чиқадилар...

Заводнинг бош директори Рихсибой Якубов мамлакатимиз Президенти билан учрашувни шундай эслайди:

— Юртбошимиз бу ерда ишловчиларга янада яхшироқ турмуш шароити яратиш борасида йўл-йўриқлар берди. Заводнинг Элобод посёлкасидан Қўнғирот шаҳарчасигача бўлган узунлиги 40 километр йўлни жаҳон андозалари даражасидаги йўлга айлантириш ҳақида маслаҳат қилди. Бу

Суратларда: завод фаолиятидан лавҳалар.

Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА),
Шавкат АКРАМОВ
олган суратлар

Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотига номзодлар

МАШҲУР АСАРНИНГ ЯНГИЧА ТАЛҚИНИ

Машҳур шоир ва драматург Мақсуд Шайхзода қаламига мансуб «Мирзо Улуғбек» асари асосида олти қисмли телеспектакль яратилганини эшитиб, уни кўришга қизиқиб қолдим. Бунинг боиси, Шайхзоданинг бу шеърий драмаси китоб ҳолида нашр қилинганидан ташқари, театрлар саҳнасида, кино экранларда ҳам такрор-такрор намойиш этилган эди-да. Томошабинларга яхши таниш бўлган бу асар, айтиш мумкинки, шу вақтгача яратилган юксак драматик асарлар қаторида бўлганлиги учун ҳам мени қизиқтирганди. Унда олға сурилган фалсафий мушоҳадалар, тарихий ҳақиқат, қўйилган масалалар юқори даражада бадиий маҳорат билан ифодаланган. Асарни қайта-қайта ўқисак ёки кўрсак ҳам ҳар сафар кўнгил чигаллари ёзилиб, енгил тортамиз. Шунинг учун ҳам бу асарни теле экранда кўриш мен учун қувончли бўлди.

Бошда шекспирона кўлам билан ёзилган бу асар телеспектаклда ўзининг катта таъсир кучини сақлаб қолдимикан, Улуғбекдек сиймо образи асардагидек кўз олдимизда ёркинлик ва улуғворлик касб этдимикан, деган хавотир ҳам хаёлимдан ўтганди. Аммо асарни бошдан охиригача кўргач, кўнглим анча ёришди. Шу вақтгача зангори экран орқали нафақат «Мирзо Улуғбек» сингари драмалар, балки қатор мураккаб, кўп режали насрий асарларни ҳам муваффақият билан олиб чиққан истеъдодли режиссёр Тожибой Исроиловнинг бу янги ижодий иши менда яхши таассурот қолдирди.

Мен телеспектаклнинг муваффақияти нимадан иборат эканлиги, актёрлар ижроси, айниқса, Мирзо Улуғбек образини яратган артистнинг маҳорати, декорациялар ва кийимларнинг ўз даврига мос танлангани, асарнинг таъсир кучи ҳақида батафсил гапириб ўтирмайман. Чунки машҳур адабиётшунос олим Озод Шарафиддинов ушбу телеспектакль ҳақида ёзган «Уч чўққининг бири» номли мақоласида «Тожибой Исроилов юксак дидли, ўткир фикрли асарлар талқинида мустақил йўлдан бора оладиган санъаткор эканини намойиш қила олди», деган эди.

Ҳақиқатан ҳам Тожибой яратган бу спектакль менимча, режиссёр шаънига ҳар қанча таҳсин сўзларини айтиш имконини беради. Унинг мақтовга лойиқ фазилатларидан яна бири шундаки, у қачон бирор асарни саҳналаштиришни ният қилмасин, катта мақсад билан томошабинга маънавий ва руҳий озуқа бера оладиган жиҳатларни эътиборда тутиб, унга жазм қилади. Бу, албатта, ҳар бир режиссёр учун муҳим бир фазилат, зарурий шартдир. Тожибой ҳали ёшлик вақтидаёқ машҳур итальян драматурги Карло Гоццининг жуда мураккаб «Бахтли гадолар» трагикомедиясини ҳозирги Миллий театримизда катта муваффақият билан саҳналаштирган ва шуҳрат топган эди.

Шу ўринда яна бир гап: Тожибойнинг асарга муносиб актёр, актёрга мос кийим, асар руҳини ифода этадиган саҳна кўринишларини топа билиши ҳам бу спектаклда тўла ифодасини топган.

Халққа хизмат қилган киши эл-юрт ардоғида бўлганидек, режиссёр разолат ва бўҳтоннинг жазосиз қолмаслиги мавзусини телеспектаклда Улуғбек ва Абдулатиф образлари орқали томошабинларга манзур бўладиган даражада чиқара олганлиги билан бизни яна бир карра ушбу асар ҳақида мулоҳаза юритишга ундади.

ШУКРУЛЛО,
Ўзбекистон халқ шоири

«ҚУВОНЧ»НИНГ БАХТИЁР БОЛАЛАРИ

Пойтахт вилоятининг Янгийўл шаҳридаги 13-«Қувонч» мактабгача таълим мажмуасида мактаб ёшигача бўлган болаларни тарбиялаш билан бирга, уларни ўқиш, ёзиш ва мусиқий таълимга ўргатиш ҳамда дунёқарашини ўстириш йўлида кўпгина ишлар амалга оширилмоқда. Боғчада 36 нафар ходим бўлиб, уларнинг 12 нафари тарбиячи-мураббий, икки нафари эса мусиқа ўқитувчиси ҳисобланади. Таълим-тарбия жараёни давлат таълим стандартлари асосида ташкил этилган. Боғчада 282 нафар кичкинтой тарбияланаётган бўлиб, барча хоналар уларнинг ёшига мос қилиб жиҳозланган.

— Келажагимиз бўлган бу митти қалбларнинг ҳеч бири эътибордан четда қолмайди, уларнинг тарбияси, ақлий ва жисмоний ривожланиши билан педагог ходимлар ҳамда тўгарак раҳбарлари мунтазам шуғулланиб, керакли йўл-йўриқлар кўрсатиб келишмоқда, — дейди боғча мудираси Нигора Болтабоева.

Дарҳақиқат, бу ерда яратилган шароит билан танишган киши бахтиёр болаликка ҳавас билан қарайди.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ

☆☆☆

Суратларда: *13-«Қувонч» мактабгача таълим муассасаси фаолиятидан лавҳалар.*

Козим ЎЛМАСОВ олган суратлар

Қарор ва ижро

ИҚТИСОДИЙ МАНФААТЛАР МУҲОФАЗАСИ

Мамлакатимизда иқтисодиёт, солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш самарадорлигини ошириш, давлат, юридик ва жисмоний шахсларнинг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида бир қатор ҳужжатлар қабул қилинган. Бу ҳужжатлар бозор иқтисодиёти шароитида ислоҳотлар самарадорлигини янада оширишга хизмат қилмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 майдаги «Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида»ги қарори ҳам бу йўналишдаги муҳим ҳужжатлардан бири.

Аввало айтиш керакки, мазкур қарор барқарор иқтисодий манфаатлар муҳофазасини таъминлашда ғоят муҳим аҳамият касб этмоқда. Биргина ўтган йили қарор асосида олиб борилган саъй-ҳаракатлар натижасида 122 та ҳуқуқбузарлик аниқланди. Шундан 64 таси бўйича жиноят, 58 таси бўйича маъмурий ҳуқуқбузарликка оид иш қўзғатилди. Мамлакатимиз ҳудудига ҳеч қандай ҳужжатсиз, сифат сертификатисиз олиб кирилган 108790,2 минг сўмлик товар моддий бойликлари «тадбиркор»лардан олиниб, судлар томонидан давлат эгалигига ўтказилди.

Амалдаги йилнинг 1 чораги давомида эса 41 та шундай ҳуқуқбузарликлар аниқланиб, 23 та жиноят, 17 та маъмурий ҳуқуқбузарликка оид ишлар қўзғатилди, 1036067,1 минг сўмлик товарлар олиб қўйилди.

Шу ўринда бир мисол келтирайлик: жорий йилнинг 31 январь куни ўтказилган тадбир давомида «Ҳазратишоҳ — Чортоқ» йўналиши бўйича «КамАЗ 53212» русумли автомашина назоратга олинди. Чортоқ шаҳар марказини четлаб ўтувчи Улуғбек кўчасида жойлашган «Нон комбинати» ёнида тўхтатилиб, юкхонаси кўздан кечирилганда хорижда ишлаб чиқарилган ҳеч қандай ҳужжатсиз 667 961 500 сўмлик уяли телефон, 25 659 000 сўмлик акцессуар ва эҳтиёт қисмлар, 10 040 000 сўмлик телевизорлар, 900 000 сўмлик DVD мусиқали марказ ҳамда «Шарф» русумли 9 600 000 сўмлик совуткич, хулласи умумий қиймати жами 714 миллион 160 минг 500 сўмлик маҳсулотлар борлиги аниқланди. Ушбу ашёларга ҳолислар иштирокида баённома расмийлаштирилиб, ноқонуний хатти-ҳаракат содир этганларга нисбатан жиноий иш қўзғатилди.

Яна бир мисол: «Наманган — Тошкент» йўналиши бўйича ҳаракатланиб келаётган «Мерседес-Бенц» русумли автомашина текшириб кўрилганда юкхонасида 296 992 240 сўмлик хорижда ишлаб чиқарилган ҳеч қандай ҳужжатсиз, синов сертификатига эга бўлмаган товар моддий бойликлар борлиги аниқланди. Айни вақтда бу иш юзасидан Жиноят кодексининг 188-моддаси, 3-қисми, «а» банди билан жиноят иши қўзғатилиб, вилоят прокуратураси томонидан тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Давлатимиз ва фуқароларимиз иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган бу каби назорат ишлари қатъий ва синчков тарзда давом эттирилмоқда. Аммо масаланинг кишини ташвишга солиб, ўйлантирадиган жиҳатлари ҳам борки, бу ҳақда алоҳида тўхталмасак бўлмайди. Мамлакатимизда қонуний йўл билан тадбиркорлик қиламан, ҳалол йўл орқали бой бўламан, деганлар учун барча ҳуқуқий имкониятлар тизими яратилган. Хусусан, биз юқорида тилга олган қарорда ҳам тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи жисмоний шахслар юридик шахс ташкил этмасдан экспорт-импорт операцияларини амалга ошириш, улгуржи чакана савдо қилиш ҳуқуқи билан якка тартибдаги тадбиркор сифатида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтиб, давлат томонидан белгиланган бож ва солиқларни тўлаб, фаолият олиб бориши мумкинлиги аниқ кўрсатилган. Лекин шундай бўлса-да, амалдаги қонун-қоидани четлаб иш олиб борувчилар борлиги ажабланарли. Бундай ҳолатларнинг, юқоридаги мисолларда гувоҳи бўлганингиздек, охири вой бўлади. Қонун-қоидага амал қилиш инсонни ҳамиша турли нохуш ҳоллардан сақлайди.

Шуҳратжон ҲУСАИНОВ,
Наманган вилояти прокуратураси бўлим бошлиғи.

«Москва» камер балет гуруҳининг «Хўжа Насриддин» саҳна асари премьераси Москва оперетта театрида муваффақият билан намойиш этилди.

...Ҳаммаси москвалик бастакор Павел Турсунов ёзган мусиқадан бошланди. Бу мусиқа Россиянинг етакчи режиссёрларидан бири Константин Кримецга жуда ёқиб қолди ва у мусиқани ўз оркестри билан ёзиб олди. Сўнгра у бастакорни «Москва» камер балети бадиий раҳбари Николай Басин ҳузурига етаклади.

ХЎЖА НАСРИДДИН МОСКВА САҲНАСИДА

— Балет қурилишига эътибор қаратар эканман, мени мусиқа беихтиёр ўзига жалб этди, — деб хотирлайди Николай Анатольевич. — Уни тинглаб жуда роҳатландим. «Хўжа Насриддин» — бизнинг жамоамиз учун тасодифий саҳна асари эмас. Биз шарқ мавзусига эътибор қаратдик ва жаҳон маданиятидаги энг инсонпарвар, қувноқ ва истарали қаҳрамонни танладик. Чунки эзгулик ва нафосат дунёни қутқаришига ишонамиз.

Спектаклни саҳналаштириш учун Петербургдан таниқли балет устаси Эдвальд Смирнов таклиф этилди. Унинг фикрига кўра, бош қаҳрамон бутун спектакль давомида ўзида ёркин шахсни гавдалантиради. Балетмейстер унда турли жанрларни — балет, цирк, гимнастикани уйғунлаштиришга интилди. Премьерада буларнинг барчаси ўзининг аниқ ва чиройли тарздаги ифодасини топди. Шу боис у томошабинлар томонидан илиқ қабул қилинди.

Спектаклга «Москва» балетининг мумтоз ва замонавий труппалари артистлари жалб этилди. Хўжа Насриддин бош партиясини япониялик рақҳос Морихиро Ивата ижро этгани инобатга олинадиган бўлса, балетни томошабинларга дўстлар ва ҳамфикрларнинг халқаро жамоаси ҳадя этгани аён бўлади.

Олег ШАТУНОВСКИЙ,
«Жаҳон» АА мухбири
Москва

ЕВРОКОНСТИТУЦИЯНИНГ МУҚОБИЛ ВАРИАНТИ ЯРАТИЛДИ

Италиянинг собиқ бош вазири Жулиано Амато етакчилигидаги «Amato Group» гуруҳи сиёсатдонлари (бу гуруҳга Европанинг таниқли 16 сиёсатчиси ва еврокомиссарлари аъзо) Европа Иттифоқи Конституциясининг соддалаштирилган вариантини тайёрладилар. «EU Observer» интернет-манбасига асосланиб, бу ҳақда «Новости» ахборот агентлиги хабар тарқатди.

Аввалги Конституция 63 мингта сўздан таркиб топган 448 та моддадан иборат улкан тўплам бўлган бўлса, янги варианти анча қисқартирилган ва соддалаштирилган, яъни 70 та моддадан иборат, 12 минг 880 та сўздан иборат.

Конституциянинг бу варианти 2005 йили Франция ва Нидерландия томонидан ратификацияси рад этилган аввалги Евроконституциянинг муқобили бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Маълумки, Европа Иттифоқи Конституциясини ратификация қилиш бу икки давлат томонидан рад этилгач, ратификациялаш жараёнида танаффус эълон қилинган. Шу пайтгача уни парламент қўллаб-қувватлови остида ёки референдумда тасдиқлаш орқали Европа Иттифоқига аъзо 27 та давлатдан 18 таси ратификация қилган.

ТАҚИҚЛОВ БЕКОР ҚИЛИНДИ

Таиланднинг муваққат ҳукумати ҳозир амалда бўлган тақиқловни, яъни сиёсий партиялар фаолияти тақиқловини бекор қилди.

«Нейшн» газетаси сайтидаги хабарда ёзишларича, ҳарбийлар томонидан тузилган муваққат ҳукумат яқинда умумхалқ референдуми орқали тасдиқланган янги Конституцияга кўра, сиёсий партияларга шу йил декабрда бўладиган умумхалқ сайловларига тайёргарлик кўриш имконини берди.

Маълумки, ўтган йил сентябрда Таиланд ҳарбийлари томонидан амалга оширилган қурбонларсиз давлат тўнтаришидан сўнг мамлакатда дарҳол фавқулодда ҳарбий ҳолат жорий этилган ва шу билан бирга сиёсий партиялар фаолияти ҳам тақиқланган эди.

Жорий йил январь ойи охирида эса Таиланд қироли Пумипон Адульядет кўпгина музофотларда фавқулодда ҳолатни бекор қилди. Фақат шимолий ва шимоли-шарқий музофотлардагина фавқулодда ҳолат истисно тариқасида сақлаб қолинди. Негаки, мамлакатнинг собиқ бош вазири Таксин Чинават тарафдорлари шу музофотларда кўпроқ.

Май охирида Конституциявий суд Таксин Чинават томонидан тузилган «Тай Рак Тай» («Таиландликлар Таиландни севадилар») партиясини тарқатиб юборди. Аъзоси 14 миллиондан ортиқ кишини ташкил этувчи ушбу партияга 2006 йил апрелдаги парламент сайловлари жараёнида кўплаб майда партиялар аъзоларини сотиб олган, деган айб қўйилди. Бундан ташқари, суд «Тай Рак Тай» партиясининг 111 аъзосига 5 йил давомида сиёсий фаолият билан шуғулланишига тақиқлов жорий этди.

БАСК СЕПАРАТЧИЛАРИ ИСПАНЛАРГА ҚАРШИ ЯНГИ УРУШ ЭЪЛОН ҚИЛДИ

Баск сепаратчиларининг «ЕТА» гуруҳи жангарилари 2006 йил мартда Испания маъмурияти билан тузилган тинчлик келишуви тўхтатилганлигини эълон қилди.

«AFP» ахборот агентлиги тарқатган хабарда ёзилишича, «ЕТА» Испания ҳукуматини тинчлик келишуви амалда бўлган пайтда гуруҳ аъзоларини таъқиб қилганликда айблади.

Баскчиларнинг «Berria» газетасида чоп этилган баёнотда айтилишича, музокаралар жараёнини давом эттириш учун ҳатто келишувнинг оддий шартлари ҳам бажарилмаяпти. Шунинг учун «ЕТА» басклар ерини қўлида қурол билан ҳимоя қилади.

Маълумки, баск сепаратчилари ўтган йил 30 декабрда тинчлик келишувини бузган эдилар. Яъни ўшанда Мадрид аэропортида автомобиль портлатилган, натижада икки киши ҳаётдан кўз юмган. Бу теракт учун жавобгарликни «ЕТА» ўз бўйнига олгач, Испания маъмурияти музокараларни тўхтатиб қўйган.

Эслатиб ўтамиз: «ЕТА» гуруҳи 40 йилга яқин вақтдан бери басклар ерини Испаниядан ажратиб олиш учун кураш олиб бормоқда.

ХАВФСИЗЛИК КАМАРИНИ ТАҚИШ МАЖБУРИЙ ЭМАС, БАЛКИ ИХТИЁРИЙДИР

Аслида АҚШда автомобиль бошқараётиб хавфсизлик камарини тақиш федерал қонун бўйича мажбурий қилиб белгиланган. Бироқ, Нью-Гэмпшир штати маъмурияти эса бу қонунни инкор этувчи янги қарор қабул қилди. Унга кўра, эндиликда ҳайдовчилар ва йўловчилар хавфсизлик камарини тақиш-тақмаслиги ихтиёрий қилиб белгиланди.

Маҳаллий ҳуқуқни ҳимоя қилиш органи вакилининг айтишича, — дейилади «РБК» тарқатган хабарда, — камар тақишнинг мажбурий қилиб белгиланиши инсон эркинлигига дахл қилишдан ўзга нарса эмас.

XXI АСРДА ҲАМ ДУНЁНИНГ АЙРИМ ЖОЙЛАРИДА ОЧЛИКДАН БОЛАЛАР ЎЛИМИ ЮЗ БЕРМОҚДА

Араб оммавий ахборот воситаларида БМТнинг Халқаро болалар жамғармаси — ЮНИСЕФнинг ҳисоботи эълон қилинди. Унда қайд этилишича, Суданнинг ғарбий музофоти Дарфурда тўрт йилдан бери давом этаётган фуқаролар уруши боис ҳудудда юзага келаётган озиқ-овқат ва тиббий дори-дармонлар тақчиллиги оқибатида йилига 75 нафар бола ҳаётдан кўз юммоқда.

Дарфурда ички можаролар 2003 йил февралдан бери давом этмоқда. Ўшандан бери 200 минг тинч аҳоли қурбон бўлди, 2,5 миллион киши эса қочқинга айланди.

Можароли ҳудудларда кўплаб инсонпарварлик ташкилотлари тинч аҳолига ёрдам кўрсатиш миссиясида иштирок этмоқда. ЮНИСЕФ маълумотларига кўра, ушбу ташкилот бир йилда 1,3 миллион болани полиомиелитга қарши, 1,7

миллион нафарини эса қизамиққа қарши эмлаган. 6 минг бола силласи қуришга қарши даволанган. 1,1 миллион болага эса тўйиб овқатланмаслик синдромига қарши витаминлар тарқатилган.

Бундан ташқари, ушбу можароли ҳудудда болаларни ўқитиш, саводини чиқариш масалалари бўйича ҳам ЮНИСЕФ дастури ишлаб чиқилган. Ташкилот вакиллари 2 мингдан ортиқ мактаб қуриб, 75 минг болага дарслик ва бошқа ўқув қуроллари тарқатди.

Бироқ, бу ишлар осонликча бўлмаяпти. Ҳисоботда айтилишича, инсонпарварлик миссияси Дарфурда кўп қаршиликларга учрамоқда. Бир томондан Судан корчалонлари улар фаолиятига тўсқинлик қилаётган бўлса, иккинчи томондан қўзғолончи отрядлар миссия карвонларига ҳужумлар уюштирмоқдалар.

Дарфурдаги фуқаролар урушини тезроқ тўхтатиш ва аҳоли хавфсизлигини таъминлаши учун БМТ ўзининг ва Африка Иттифоқининг 20 минг кишилик халқаро тинчлик контингентини музофотга жойлаштириш талабини ўртага ташламоқда. Аммо Судан маъмурияти бу режага қарши чиқиб, ички можароларни ўз кучи ва панафрика ташкилотлари қўллаб-қувватлови остида бартараф этишини билдирмоқда. Лекин натижа ҳануз ўз самарасини кўрсатаётгани йўқ.

Отабек БОБОЖОНОВ

Ташкилот ва корхоналар раҳбарлари диққатига!

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ МЕҲНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ БОШ БОШҚАРМАСИ

ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Лот 1-1. Сариосиё туманидаги «Фарҳод» мурувват ўйи биносини мукаммал таъмирлаш.

Иншоотнинг бошланғич нархи — 61,309 млн. сўм. Қурилиш муддати — 120 кун.

Лот 1-2. Денов шаҳридаги «Эркаклар мурувват ўйи» биносини мукаммал таъмирлаш.

Иншоотнинг бошланғич нархи — 68,111 млн. сўм. Қурилиш муддати — 120 кун.

Иншоотнинг қурилиш ишларини молиялаштириш — Давлат бюджети ҳамда вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси томонидан жалб қилинадиган ҳомийлик маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Буюртмачи: Сурхондарё вилояти Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси.

Манзил: Термиз шаҳри, А.Икромов кўчаси, 48-уй. Тел/факс: 222-70-59, 223-57-49.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик — муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — «Ўздавархитектқурилиш» қўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхондарё вилояти ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин:

Термиз шаҳар, А.Темур кўчаси, 69-уй, Телефон/Факс: (8-37622) 2-44-73, 2-44-76.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 50 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Оферталарни очиш куни ва вақтигача савдо ташкилотчиси томонидан оферталар қабул қилинади.

Таклифлар очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади:

Термиз шаҳри, А.Темур кўчаси, 69-уй.

Мустақиллик имкониятлари

ТИЛ БИЛГАНГА ДУНЁ КЕНГ

Хорижий тилларни қанча кўп билган одам ҳаётда шунча катта имкониятларга эга бўлади. Фуқаролари чет тилларини яхши билган мамлакатнинг дунёга чиқиши ҳам шунча тезлашади. Шу боис мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки кунлариданоқ ёшларимизга жаҳон тилларини ўргатиш учун кенг имкониятлар яратилди.

Самарқанд давлат чет тиллар институти 1994 йил 8 ноябрда ташкил этилган эди. Ўшандан буён юзлаб ёшлар бу даргоҳда тил ўрганиб, мустақил ҳаётга йўлланма олди. Табиийки, чет тилларни билган ҳар қандай ёш дунё билан юзлашади, жаҳон тажрибаларини ўз ишида қўллайди.

Илм масканида ёшларга чет тилларини ўргатиш билан бир қаторда уларни миллий қадриятларимиз руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунга Президентимизнинг «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Қарори дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Институтда ушбу Қарор асосида ўтказилган қатор тадбирларда ёшлар маънавияти, тарбияси билан боғлиқ масалалар муҳокама этилмоқда.

Шунингдек, бу ерда яқинда ахборот-ресурс маркази ташкил этилиб, зарур техник воситалар билан таъминланди. Айни пайтда мазкур марказнинг Самарқанд шаҳрида ва туманларида 4 та филиали фаолият кўрсатмоқда. Мақсад — малакали, юксак маънавиятли мутахассислар тайёрлаш.

Маъмуржон МАҲМУД

Суратларда: *институт ҳаётидан лавҳалар.*

Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

Спорт

КУРАШ ХАЛҚАРО АССОЦИАЦИЯСИ «ОЛТИН ОРДЕНИ»

ЕВРОПА ОЛИМПИЯ ҚЎМИТАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ПАТРИК ХИКИГА ТОПШИРИЛДИ

Европа Олимпия қўмитасининг Рим (Италия)да жойлашган бош қароргоҳида мазкур ташкилот раҳбари, Халқаро Олимпия қўмитаси аъзоси Патрик Хики ҳамда Кураш Халқаро ассоциацияси президенти Комилжон Юсуповлар ўртасида учрашув бўлиб ўтди. Жаноб Хикининг расмий таклифига биноан ўтказилган ушбу учрашувда шунингдек, ЕОҚ вице-президенти Александр Козловский, КХА ижроия қўмитаси аъзолари Умид Ёқубов, Ҳабибулло Тожиев, Майкл Бигошевски ҳамда Ўзбекистоннинг Италиядаги элчихонаси вакиллари ҳам иштирок этишди.

Тадбир иштирокчилари 1998 йилдан бошлаб жадал ривожланаётган миллий қадриятимиз — курашни янада оммалаштириш, жаҳондаги обрўсини ошириш борасида ўзаро фикр алмашдилар. Учрашув якунида ушбу спорт турини халқаро миқёсда қўллаб-қувватлаш ҳамда ривожлантиришга қўшаётган ҳиссаси учун Патрик Хикига КХАнинг юксак мукофоти — «Олтин ордени» топширилди. Бундан ташқари, жаноб Хики Европа Кураш Конфедерациясининг Фахрий президенти, деб эълон қилинди.

ОСИЁ ВА ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТЛАРИДА

мамлакатимиз самбочилари энг кўп медаллар шодасига сазовор бўлдилар

Аввал хабар қилганимиздек, пойтахтимиздаги «Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуида самбо бўйича ёшлар, аёллар ва эркаклар ўртасида ўтказилган Осиё ҳамда жаҳон чемпионатлари ниҳоясига етди. Баҳсларнинг дастлабки куни ёшлар ўртасида тўққиз вазн тоифасида уюштирилган беллашувларда ҳамюртларимиз 4 та олтин, 2 та кумуш ва 4 та бронза медалини қўлга киритишганди.

Мусобақанинг аёллар ва эркаклар ўртасида ўтказилган учрашувлари ҳам вакилларимиз учун омадли келди. Жумладан, аёллар беллашувлари якунида Ўзбекистон терма жамоаси иккита олтин, учта кумуш ҳамда иккита бронза медаллари билан тақдирланишди.

Бундай нуфузли мусобақаларда юқори натижаларни қайд этишга одатланган йигитларимиздан Ш.Муродов (57 кг.), Д.Муҳидов (68 кг.), А.Қурбонов (90 кг.)лар ўз вазн тоифасида шоҳсупанинг юқори поғонасидан жой олган бўлишса, Ш.Жўраев (52 кг.), Л.Тошалиев (62 кг.), А.Тулендибоев (+100 кг.)лар кумуш, В.Стороженко (90 кг.) ҳамда Т.Нурматов(100 кг.)лар эса бронза медалига сазовор бўлдилар.

Тўрт кун давом этган мазкур нуфузли баҳсларни Халқаро самбо федерацияси (FIAS) президенти Давид Рудман фахрий меҳмон сифатида кузатиб борди.

Аброр МЕЛИБОЕВ

ЎЗБЕКИСТОН — ЯМАН — 3:0

Beijing 2008

Кеча футбол бўйича Пекин олимпиадаси саралаш учрашувлари Осиё минтақаси иккинчи гуруҳ боскичи сўнгги тур ўйинлари бўлиб ўтди. Унда мусобақанинг «F» гуруҳида қатнашаётган Ўзбекистон Олимпия терма жамоаси Самарқандда Яман футболчиларига қарши майдонга тушди. Вакилларимиз устунлигида ўтган мазкур ўйинда олимпиячиларимиз 3:0 ҳисобида зафар қучишди. Тўпларни Азиз Ибрагимов, Азиз Ҳайдаров ҳамда Музаффар Умрзоқовлар киритди.

Гуруҳдаги иккинчи учрашувда Жанубий Корея футболчилари Бирлашган Араб Амирликлари олимпиячиларини 3:1 ҳисобида мағлубиятга учратишди.

Шундай қилиб, ўз гуруҳида пешқадамликни қўлга киритган Жанубий Корея ва Ўзбекистон Олимпия терма жамоалари ҳал қилувчи учинчи боскичга йўлланма олдилар. Пекин олимпиадаси йўлланмасини тақдим қилувчи кейинги боскич баҳсларига 13 июнь куни Куала-Лумпур (Малайзия)да қўрға ташланади.

Интер-спорт

«ЮВЕНТУС»НИНГ ЯНГИ БОШ МУРАББИЙИ

Келаси мавсумда футбол бўйича Италиянинг «А» сериясида иштирок этиш ҳуқуқини муддатидан илгари қўлга киритган машҳур «Ювентус» (Турин) жамоасига Клаудио Раньери бош мураббий этиб тайинланди. Эллик беш ёшли бу мутахассис туринликлар билан уч йилга шартнома имзолаган. Келишувга мувофиқ, Раньери шу йилнинг 1 июлидан бош мураббий француз Дидье Дешам ўрнида иш бошлайди. Бунга қадар у жорий йилги мавсумда Италиянинг яна бир футбол клуби «Парма»ни бошқариб, жамоанинг «А» сериясидаги мавқеини сақлаб қолганди, деб хабар қилади AFP агентлиги.

Клаудио Раньери шу йилнинг февралидан бошлаб мавсум охиригача «Парма»да ишлади. У бунгача Лондоннинг «Челси», Италиянинг «Кальяри», «Наполи», «Фиорентина» ҳамда Испаниянинг «Валенсия», «Атлетико» жамоаларида фаолият кўрсатган.

Яқинда Ўзбекистон Миллий академик драма театрида республикамиз вилоятлари, Тошкент шаҳри ҳамда туманлари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Давлат санитария-эпидемиология назорат марказлари бош врачларининг анжумани бўлиб ўтди.

Анжуманда республика соғлиқни сақлаш вазирлиги мутахассислари, Тошкент тиббиёт Академиясининг олимлари, СПИД маркази ва бошқа мутасадди вакиллар иштирок этди ҳамда яқин йиллар давомида эришилган ютуқлар, муаммолар, йўл қўйилган камчиликлар сарҳисоб қилинди.

САЛОМАТЛИК НЕГИЗИ

озодалик ва саристалиқдадир, дея эътироф этдилар анжуман иштирокчилари

— Юртимизда юқумли касалликларнинг олдини олиш борасида жиддий саъй-ҳаракатлар қилинмоқда, — деди анжуманнинг очилиш маросимида сўзга чиққан республика соғлиқни сақлаш вазири Феруз Назиров. — Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашга ҳам янада кўпроқ эътибор қаратилиши зарур.

Анжуманда Республика Бош Давлат санитария врачи, соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари Бахтиёр Ниёзматов эса қуйидагиларни айтди:

— Республика аҳолисининг саломатлиги муҳофазаси, атроф-муҳит мусаффолигини сақлашда мавжуд 216 та Давлат санитария-эпидемиология, тиббиёт билим юртлари, ОИТС маркази, паразитология институти ходимлари, 172 та дезинфекция станциялари фаолият юритишяпти. Амалга оширилаётган ишларимиз натижасида республикамиз ҳудудида ўтган йилларга нисбатан юқумли касалликлар сезиларли даражада камайди. Аммо бу хотиржамликка берилишимизга асос бўлолмайди.

...Қадимдан аждодларимиз саристаликни сиҳат-саломатликнинг негизи деб билганлар, ҳамда миллий тиббий савияни ошириб боришга алоҳида эътибор қаратганлар. Зеро, покдомонлик, озодалик, саристалик турли юқумли касалликлар кушандасидир. Шу боис мазкур анжуман иштирокчилари ҳам жойларда биринчи галда озодалик ва саристалик хусусида алоҳида эътибор қаратишни янада кучайтириш зарурияти ҳақида сўз юритдилар.

Наргиза ПИРНАЗАРОВА

Огоҳлик

ЁЗГИ ТАЪТИЛ МАСЪУЛИЯТИ...

Ҳадемай болаларимиз ёзги таътилга чиқиб, соғломлаштириш масканлари ва дам олиш оромгоҳларига йўл оладилар. Ёз мавсумида уларнинг кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари ва хавфсизлигини таъминлаш билан бирга дам олиш ва соғломлаштириш масканларида юзага келиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, бундай воқеалар содир бўлган тақдирда масъул ходимларни тўғри ҳаракат қилишга ўргатиш ҳам муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Тошкент вилояти ҳудудида жойлашган пойтахт корхоналари тасарруфидаги болалар дам олиш оромгоҳлари ҳамда соғломлаштириш масканларида рўй бериши эҳтимоли мумкин бўлган сел, сув тошқини ва кўчки хавфи текширилганда жузъий камчиликлар мавжудлиги аниқланди. Хусусан, Тошкент шаҳри ҳамда вилояти ҳудудида жойлашган «Билдирсой», «Ғунча», «Стрельцов», «Конструктор», «Қизилсой», «Гулистон» ва «Геолог» болалар соғломлаштириш оромгоҳларида кўчки ҳодисаси содир бўлиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш юзасидан тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш зарур, деган хулосага келинди. Аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилиб, мутасадди раҳбарларга тақдим этилди ва масъул ташкилотларга зарур кўрсатмалар берилди.

Айтиш жоизки, дам олиш оромгоҳлари ва соғломлаштириш масканларида фавқулодда вазиятлар содир бўлишининг олдини олиш, хавфсизликни таъминлаш мутасадди хизматлар билан бир қаторда, Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси шахсий таркибига ҳам алоҳида масъулият юклайди.

— Фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракат қилишга ўргатиш мақсадида фуқаро муҳофазаси ўқув дастури бўйича 7 соатлик машғулотлари олиб борилмоқда, – дейди Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси бошлиғи, полковник Эргаш Икромов. — Бундан ташқари, дам олиш масканларида Фуқаро муҳофазаси бурчакларини ташкил этиш, мавсумда юзага келиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракат қилиш бўйича кўргазмали плакатлар, эслатмалар ва услубий қўлланмалар билан жиҳозлаш, жойларга чиқиб ўқув дарсларини ўтказиш таклиф этилди. Болалар соғломлаштириш оромгоҳлари атрофидаги 500 метр узоқликда жойлашган тунги қаҳвахоналарда мавсум давомида спиртли ичимликлар сотилишини тақиқлаш тегишли хизматлар томонидан қатъий назоратга олинди. Тошкент вилояти, Оҳангарон тумани Бешкўл қишлоғи, яъни «Тошкент-Ўш» магистрал автойўлининг 154 км.да жойлашган «Стрельцов» номидаги ёзги болалар оромгоҳини алоқа воситаси билан таъминлаш масаласи бўйича тегишли хизматларга кўрсатма берилди.

Шуни таъкидлаб ўтмоқчимизки, турли кўринишдаги кўнгилсиз ҳодисаларнинг юз бермаслиги кўп жиҳатдан оромгоҳлар раҳбарияти ва тарбиячиларига боғлиқ. Улар айниқса ҳушёр ва зийрак туришлари керак. Болаларни назоратсиз қолдирмаслик, тақиқланган жойларда болалар чўмилмаслиги зарур. Фавқулодда вазиятлар чоғида жабрланганларга биринчи ёрдам кўрсатиш, ўзини ўзи ва бошқаларни қутқариш бўйича кўникма ҳосил қилиш муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, дам олиш масканларининг географик жойлашувидан келиб чиқиб, санитария-эпидемиологик вазиятнинг барқарорлигини таъминлаш, мутасадди ходимлар, соҳа мутахассислари иштирокида давра суҳбатлари олиб бориш фойдали. Бу шубҳасиз, фарзандларимизнинг ёзги таътилини кўнгилли ўтказишларида асосий омил ҳисобланади.

Азамат СУЮНОВ

Абдивоси ҲАЙДАРОВ олган сурат

Қатра

КЎЗА СИНИҚЛАРИ

Одатимга кўра ҳар йили баҳорда таътил чоғи қишлоққа бораман. Нурота тоғ тизмалари этагида яшаётган оҳчобликлар бу ердаги кўплаб осори-атиқалар ҳақида турли хил ривоятлар қилишади.

Қишлоқдан унча узоқ бўлмаган тепаликка қайсидир асрларда қурилган Қизқўрғон харобалари оралаб юриб, бир гал ундан Тангисойгача тушган қўш девор ичида синиқ кўза парчаларига кўзим тушди. Мен эътибор қилмай, кўчиб, силжиб кетган зиналар билан юқорига кўтарилавердим. Хаёлимда: бу зиналардан қўш девор оралиғида не-не маликалар сойдан қўрғонга (юқорига) кўзаларда сув олиб чиққанлар... Тош деворнинг ҳар-ҳар жойидаги дарчалардан қоровуллар қўрғон осойишталигини кўриқлашган, деган сўзлар ўтарди.

Шу хаёллар билан, изимга қарасам, шеригим — қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Бегмуҳаммад Мамарасулов пастда бояги кўза синиқлари ёнида ўтирибди.

— Ҳа, хаёллаб қолдинг? — сўрадим ундан чақириб.

Аввалига жавоб бермади, кейин қўлини сермаб «бу ёққа кел», дегандек бўлди. Ёнига келдим. У кўза дастасини қўлида тутиб шеър ўқиди:

Бу кўза мен каби ошиқ зор эди,
Севгани қора соч бир нигор эди.
Кўза бўйнидаги даста бир маҳал —
Қўл эди, ёр қучиб бахтиёр эди.

— Дў-ўст, шоир бўлиб кет-е...

— Мавлоно Умар Ҳайёмдан! — деди у ва қўшиб қўйди:

— Сен шунчаки кўза синиғи деб ўтиб кетдинг... Аслида, бу — юртимиз тупроғидаги мана шу қўрғон қайси асрда қурилган бўлса ўша аср, ўша давр тарихидан осори-атиқа...

У ҳақ эди.

Номоз САЪДУЛЛАЕВ

Ҳурматли корхона раҳбарлари ва ишбилармонлар!

НАВОИЙ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ

«НАВОИЙ МАШИНАСОЗЛИК ЗАВОДИ» ишлаб чиқариш бирлашмасининг кўргазмалар павильонида

импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ва буюмлар намуналарининг кўргазмаси ўтказилади. Кўргазмада «Навоий машинасозлик заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан ишлаб чиқарилаётган қуйма буюмлар, резина техника ва экскаваторлар, ЯМЗ серияли двигателлар, ёғ заводи жиҳозлари учун эҳтиёт қисмлар намойиш этилади.

Сизларни 2007 йил 14 июнь куни соат 10.00 да Навоий шаҳар, Навоий кўчаси, 2-уй манзилида ўтказиладиган кўргазмага таклиф қиламиз.

Маълумот учун телефонлар: (436) 227-64-23, 223-18-50, 227-71-37.

Ўзбекистон ХДП Тошкент вилояти кенгаши Бекобод туман партия кенгаши аъзоси, туман кенгаши депутати, партия фахрийси **Зулқайнар КОДИРОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Термиз шаҳар ҳокимлиги ва халқ депутатлари шаҳар Кенгаши Термиз шаҳар ҳокими Э.Амановга волидаи муҳтарамаси **ТУРДИХОЛ ая**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Turobjon JO`RAYEV
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Norqobil JALIL
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Abdurasul JUMAQUL
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA`DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 133-10-13
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Huquq 136-76-21
Ekologiya va salomatlik 133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas`ul kotib 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 223-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: Shohaydar MIRHABIBOV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV, Sobirjon TUNG`ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 549
11250 nusxada bosildi
1 — Tijorat materiallari
O`zA yakuni — 22.50
Topshirilgan vaqti — 22.10
2 3 4 5 6

Sotuvda erkin narxda